




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 95 (9.133)

1998 йил

14 август, жума

Сотувда эркин нархда

**Ер ости қасрида
бу сўзларнинг жара-
нлашини юнусобод-
ликлар интиқлик би-
дан кутишмоқда.**
Уларнинг кўп йиллик
орзулари амалга
ошадиган кун эса
тобора яқинлашиб
келяпти.

Ана ўшанда сиз виқор
билан мармар зиналар
бўйлаб «Ҳабиб Абдуллаев»
бекатига тушасиз. Гарчи
ташқарида ёзнинг 40 дара-
жали иссиқ ҳарорати уфу-
риб турган бўлса-да, ер о-
сти қасрида эса мўтадил
ҳаво ҳукмрон. У шу ондаёқ
танангизга ҳузур бағишлаб,
бахри-дилигизни очиб
йуборади.

Охираги ёнингизга ке-
либ тўхтаган метро поездига
чикасиз. Қўзлаган манзилин-
гиз томон шошилини элтаёт-
ган вагонлар бир зум қорон-
ғулик қаърига шўнғиди-ю,
кўз очиб юмгунгизча яна
бир аjoyиб кошона рўпаран-

гизда пайдо бўлади. Шундай
қилиб 10-15 дақиқалик муд-
датда 6 та бекатни босиб
ўтиб манзилга етиб келасиз.
Ер устига беозоргина олиб
чиқадиган эскалатор тупқичи-
га суясангиз бир зумда
ўзингизни юқорида кўрасиз.



Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан

Метро

«... КЕЙИНГИ БЕКАТ — «БОДОМЗОР»

Албатта бу афсона эмас,
ҳақиқат. Уни тезроқ рўйбга
чиқариш ниятида бугунги
кунда метросозлар барча йў-
налишлар бўйлаб саъй-ҳара-
катни бир зум сўсайтириш-
маяпти. Биз Мустақиллик
байрами арафасида метро-
нинг Юнусобод йўналишида
бўлиб, мутахассислар билан
суҳбатлашиб бунинг гувоҳи
бўлдик.

«Бодомзор» бекатидаги
пардоз ишларини кўриб ку-
вондик. «Ҳабиб Абдуллаев»
бекатидаги курувчиларнинг
қизгин олиб бораётган меҳ-

натидан кўнглимиз тўлди.
Бошқа станция қурилиш-
лари ҳақида ҳам шундай фи-
қрларни айтиш мумкин. Уш-
бу йилда бунёдкорлик иш-
лари учун 5,5 миллиард сўм
маблаг сарфлаш кўзда ту-
тилган.

Аслида Юнусобод йўнали-
ши 16,5 километрик масо-
фани ташкил этиб у ўзига
13 та бекатни бирлаштира-
ди. Бугун эса йўналишнинг
биринчи навбати — 7,5 ки-
лометрик йўлни ташкил
этадиган 6 та бекат — «Ло-
хутий», «Юнус Ражабий»,

«Абдулла Қодирий», «Ми-
нор», «Бодомзор», «Ҳабиб
Абдуллаев»да қазилар, қури-
лиш-тиклаш, пардозлаш иш-
лари қизгин паллага кирган.

Айниқса, йўналишнинг
«Минор» бекати курувчилар
билан янада гавжумлаш-
ган. Чунки ушбу бекатда
қурилиш ишлари Муста-
қиллик байрамига тугал-
ланиши мўлжалланган.
Кейин эса бу ерда пардоз-
ловчилар иш бошлашади.
Шу мақсадда бекатда 2-ер
ости қасри отрядининг 120
нафар курувчиси уч смена-

да тер тўкишмоқда. Улар
учун зарур материаллар
пешма-пеш етказиб берил-
моқда.

Йўналишнинг мураккаб то-
мони шундаки, у ер ости ко-
муникациялари остидан олиб
ўтилмоқда. Шунинг учун ҳам
бунёдкорлар иш жараёнида
талай қийинчиликларга дуч
келишмоқда. Тажриба, ҳамжи-
ҳатлик устунлик қилиб барча
муаммолар чекиниб бормоқ-
да. Йўналиш тобора раванла-
шиб, бекатлар чирой очиб бо-
раётгани фикримизнинг дали-
лидир. Бу эса юнусободлик-
лар метро хизматидан
фойдаланадиган дамлар кун
сайин яқинлашиб бораётгани-
дан дарак бериб турибди.

Махмуд
КОМИЛЖОНОВ

Хабарингиз борми?

ТОШКЕНТ ҲАҚИДА — «СВОБОДНАЯ ГРУЗИЯ» САҲИФАЛАРИДА



**Яқинда «Свободная
Грузия» газетасининг
муштарийлари Ўзбе-
кистон пойтахтининг
ҳаёти, унинг тарихий
ўтмиши, шаҳар юмуш-
лари ва унинг киши-
лари билан танишди-
лар. Тошкентда исти-
комат қилаётган ва
уни туллаб-йўналиш-
га мурожаат қилиш
қўшма ўзларининг ватан-
дошлари ҳаётидан во-
қиф бўлди. Тошкент
билан Тбилиси ўр-
тасидаги муносабат-
лар қандай ривож-
лаб бораётганидан
хабар топди.**

Грузияда чоп этиладиган
республика газетаси
«Хайратга солаётган Тош-
кент» умумий сарлавҳаси
остида бутун бир саҳифа
материалларини ёритади.

Шахримиз ҳокими К. Н.
Тўлағановнинг мурожабаси
орқали газета муштарийла-
ри Ўзбекистоннинг муста-
қиллик йилларида Тошкент
ҳаётининг турли соҳалари-
да юз берган ўзгаришлар,
Тошкентнинг хориждаги

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

турли шаҳарлар билан ҳам-
корлик йўналишларининг
таъминоти тўғрисида ба-
тафсил маълумотга эга бў-
лди. Жумладан, К. Н. Тўла-
ғанов Тбилиси билан
Тошкент ўртасидаги ўзаро
муносабатларнинг ривожла-
ниши истиқболларига тўхта-
либ, Тошкент билан Тби-
лиси ўртасида ҳамкорлик
тўғрисидаги Битимни имзо-
лашга тайёр эканлигини
таъкидлади. У бугунги кун-
да икки шаҳар ўртасида
муштахкам алоқалар мав-
жудлигини қайд қилиб, ик-
ки мамлакат академик
муассасалари ўртасида би-
тим имзолангани; «Ўзбеки-
стон — Грузия» дўстлик жа-
мияти ташкил этилганлиги;
Ўзбекистонда Грузия қулла-
рига тайёрларлик олиб бо-
риладиганлиги; делегация-
лар айирбошланиётганлиги;
яқиндаги Тошкентда
«Грузия аёллари тинчлик ва
ҳаёт учун» ташкилотининг
вакиллари ташриф буо-
ранглигини таъкидлади.

Тошкент билан Тбилиси
Буюк Ипақ йўли лойиҳаси-
ни тиклашда ва ҳаётга жо-
рий қилишда бениҳоя роль
ўйнаётганлиги ҳам таъкид-
ланди.

Жумладан, К. Н. Тўла-
ғанов шунини таъкидладики,
«Тошкент ва Тбилиси умум-
ий саъй-ҳаракатлар билан
10 минг километрик Буюк
Ипақ йўлининг бизнинг муста-
қил давлатларимиз ва хал-
қларимизнинг фаровонли-
ги сари ҳамкорлик йўли бў-
либ қолиши учун ҳамма иш-
ларни қилишга даъват этил-
ганлар».

(Ўз мухбиримиз).

• Туркманистон экспорт қилинадиган табиий газ нар-
ҳини пасайтирди.

• АҚШ давлат департаменти Малайзия, Миср ва
Яманда америкаликлар ҳаётига таҳдид тўғрисидаги
маълумотга эга эканлигини билдирди.

• Конго Демократик Республикасида янги валюта —
конголез франки муомалага киритилди. Яъни, у
АҚШ штати бўлади, ҳозирги макomini сақлаб қола-
дими ёки тула мустақилликка эришадими? Гап ана шу-
ни аниқлашда қолган.

• Кеча Куба раҳбари Фидель Кастро 72 ёшга тўлди.
Яқинда пайдо бўлган хабарларда Кастро жуда ҳам оғир
операцияни ўтказгани ва у ўлим ҳолатида эканлиги
айтилган эди. Бироқ Куба етакчиси ана шу миш-миш-
ларнинг асоссиз эканлигини қўрсатди. Тутилган кунни ара-
фасида минбардан тушмай тўхтовсиз 5 соат нутқ сўзла-
ди.

• Англияда футбол бўйича ноғиронлар ўртасида Жа-
ҳон кубоги мусобақалари ниҳоясига етди. Унда АҚШ,
Бразилия, Канада, Сальвадор, Россия, Грузия, Англия
ва Ўзбекистоннинг қучли командалари иштирок этди.
Ярим финалда бразилияликлар устидан 1:0 ҳисобида
ғалаба қозongan ҳамюртларимиз финал ўйинида Рос-
сия футболчилари билан учрашишди ва Жаҳоннинг ку-
муш кубоги соҳиби бўлишди.

**Ўзбекистонда иқти-
содий ислохотларни
янада чуқурлаштириш,
шунингдек, хорижий
инвесторларнинг ҳақ-
хуқуқлари ҳимоясини
таъминлаш, давлат
сиёсатининг асосий
қисмига айланиб бор-
моқда. Шу боисдан
мамлакатимизда юз-
лаб қўшма корхоналар
қурилиб, самарали
фаолият кўрсатмоқда.**




Жумладан биргина Бек-
темир туманида шу кунга
қадар 24 та қўшма корхо-
на қурилиб, ишга туширил-
ди. Қилинган шартнома-
ларга қўшма 178
миллион 710 минг АҚШ
долларига тенг чет эл ин-
вестицияси киритилиши
керак эди. 12 август кун
туман ҳудудида яна бир
қўшма корхона, яъни,
лойиҳаси 55 миллион АҚШ
долларига тенг бўлган «Ко-
ка-кола» ичимлиги Ўзбеки-
стон ЛТД қўшма корхо-
насининг янги «Мега-за-
вод»нинг тантанали очил-
иш маросими бўлди.

Махмуд «Кока-кола»
компанияси 1994 йилда Ўз-
бекистонга умумий ҳақми
140 миллион АҚШ долла-
ридан иборат сармояларни
ажратган эди.

Маълумки, пойтахтдан
унча узоқ бўлмаган масо-
фада жойлашган Қўйлик-
даги янги супер заводи
«Кока-кола» тизимининг
Марказий Осиёдаги энг
йirik заводи ҳисобланади.
Заводнинг ўта замонавий
жиҳозлари мамлакатда

Ўзбекистондаги режалари-
нинг нақадар жиддийлиги-
нинг энг ишончли белгиси
ва ўз навбатида Ўзбеки-
стоннинг бозор иқтисодиё-



тини ривожлантириш йўли-
га содиқлигининг яққол да-
лилидир. — деди Ўзбеки-
стон Республикаси Бош ва-
зирининг ўринбосари Мираброр
Усмонов.


Мазкур қўшма корхо-
нанинг қуввати йилга 1,5 ли-
тр ситимли ПЭТФ идиш-
ларида 262 миллион дона,
0,25 литр ситимли шиша
идишларида эса 565 мил-
лион дона яна ичимлик ва
газлаштирилган сув ишлаб
чиқаришга имконият ярата-
ди. «Кока-кола» ичимлиги
Ўзбекистон ЛТД қўшма
корхонаси тизимида ҳозир-
ги кунда 1800 дан ортиқ
ишчи меҳнат қилмоқда.
Умумий ер майдони 10 ге-
ктарни ташкил этган «Мега-
завод»нинг икки гектардан
ортиқ майдони ёпик бўлган
иншоотлардан иборат.

Ушбу инвестициялар
лойиҳаси бўлиб Ўзбеки-
стон халқига Ўзбекистон
ичимлигининг яна бир ақсо-
л дилидир. — деди АҚШ-
нинг «Кока-кола» компани-
си Европа гуруҳи президенти
Уильям П. Кейси. —
Ишончимиз комилки, Ўзбе-
кистон хориж инвестиция-
ларини қўллаб-қувватлаш
ва иқтисодий жараёнини
ривожлантириш йўлидан
бораверади. Биз мамла-
катнинг иқтисодини ривож-
лантириш ишига ўз ҳисса-
сини қўшаётганлигимиз-
дан фойдаланамиз.

Ха, албатта дунёда маш-
хур марка сифатида тан
олинган «Кока-кола» билан
бир қаторда компания жа-
ҳонга машхур бошқа беш
хил салқин ичимликлардан

дан ортиқ мамлакатлар
аҳолиси кунига 1 миллиа-
рддан ортиқ миқдорда
компания маҳсулотларидан
баҳраманд бўлмоқда.

— Шу қўшма корхонани-



нг кўпчилиги акционерлари
хотари биз Ўзбекистонда
бешта заводни қуришга пул
ажратиб бердик, — деди
«Кока-кола» ичимлиги Ўз-
бекистон ЛТД қўшма кор-
хонасининг президенти
Мансур Мақсудий. Шунинг-
дек, турли хайрият спорт ва
маданий тадбирларга хо-
миният қилиб келмоқда-
миз.

Шуни қайд қилиш жоиз-
ки, «Озбек-оват саноат» уюш-

тининг «Кока-кола» компани-
яси Ўзбекистондаги ҳодимла-
ри чанқовбосди ичимликлар
бизнесининг жаҳон андоза-
лари бўйича ўқитилди. Ха-
демай унинг эшикларига мак-
таб ўқувчилари ва талаба-
лар, турли ташкилотлар
учун ҳам очилди. Экскур-
сиялар чоғида ҳар бир ки-
ши корхона, унга ўрнатил-
ган энг янги ускуналар ва
аjoyиб иш шaroити билан
танишиб, мамлакатимизда
шу қадар юқори технология-
га асосланган корхонани ку-
риш ва ишлашнинг мумкин-
лигига яна бир бор ишонч
хоصل қилади.

Шахримизнинг Бектемир
туманида янги корхонанинг
қурилиш республиканинг
«Кока-кола» ичимлигини се-
вий қолган аҳолисининг то-
бора ортиб бораётган эк-
тижларини қондиришга ёр-
дам берибгина қолмай,
айни пайтда Бектемир ту-
манининг саноати ривожла-
нишига туртки бўлади, бу
ерга бошқа хорижий инвес-
торларни жалб этади, деб
умид қилмоқда.

«Мега-завод»нинг тан-
танали очилиш маросимида
Тошкент шаҳар ҳокими Қозим
Тўлағанов иштирок этди.

Очил ҲАЗРАТОВ,
СУРАТЛАРДА: «Кока-
кола»нинг янги «Мега-
завод»ида,
Рашид Галиев олган
суратлар.



Мустақиллик
майдонидаги суҳбат

МЕЪМОРНИНГ МУЪЖИЗАКОР ҚўЛЛАРИ

Ўзбекларнинг одати яхши-да. Бир умр бир-бирини кўрмаган-билмаганлар бир лаҳзада апок-чапок бўлиб кетишади. Дарров бир пиёла чойга таклиф қилишади. Қараб-сизки, яна бир дўстлик иллари боғланади.

Мустақиллик майдонида мен ҳам ажойиб ҳамсухбат топдим. Кўзимга таниш кўринган, чорпахилдан келган кишига иккинчи бор назар солдим. У ҳам мени кузатиб турган эканми:

— Ха, танимадингизми? Ё биронтасига ўхшатаёспизми? — деди. Танидим. Ахир машҳур ганчкор уста Саидасрорхожи Саидмухторхожиевку!

— Нима қилиб ўтирибсиз? — сўрадим меъмордан.

— Бу ер айна сарҳисоб этадиган жой, — жилмайди уста. — Хунаримни элга манзур қилган қўлларим борлигига шукроналар қилиб ўтирибман.

Меъморнинг сўзлари самимийлигига шубҳам йўқ эди. Чунки устоздаларнинг одати шундай: иши қандай бўлса, сўзи ҳам шундай.

— Хўш, нималарнинг сарҳисобини қиласиз, билсак бўладими?

— Ҳадемай мустақиллигимизнинг етти йиллигини тантаана қиламиз. Мен ўз касбим билан етти йил мобайнида қилган ишларимни кўз ўнгимдан ўтказаялман. Ўйлаб кўрсак халқимиз жуда кўп бинолар бунёд эттиган экан.

— Энг охиригизини айтақолинг.

— Энг охиригизми? Энг охириги ишимиз бригадани билан Ахмед Икромов тумани Бахт уйини битказдик. У ердаги гулларни, нақшларни кўрдингизми?

— Кўрдим.

— Кўрган бўлсангиз шу ишимиз ёшларга тўхтамиз бўлди. Келин-куёвларнинг ҳам умри шу биз ишлаган гулдек яшнаб турса бас...

Уста жим қолди-да сўзида давом этди:

— Биласиз, авваллари касбимизга, мен барча хунаромандларни назарда тутаялман, эътибор анча паст эди. Истиқлол ҳамма хунаромандларга кенг йўл очиб берди. «Усто» бирлашмаси билан бир қаторда «Хунароманд» жамғармаси ҳам ташкил этилди. Ҳаммаси истеъдодларнинг камол топиши учун қилинган.

Меъмор сифатида қилган ишларимдан хурсандман. Мамнунигим кейинги етти йилда қандай мушташам бини қурилган бўлса, барчасида қўлларим билан бунёд бўлган изим бор. Бирини панжаралар, бирини ганч ўймакорлик паннолар, гулларни кўрган одам ниҳоятда хурсанд бўляпти.

Биласизми, мени кадрларларимизга бўлган муносабат беҳад севинтиради. Ахир, ҳар бир хунароманднинг бажарган иши — бизнинг миллий қадриятимиз-ку! Рассомки, нақшош, ганчкорки гапирмайлик, оддий қовушдўз яратган қовушни томоша қилиб тўймайсиз. Пичоқчининг пичоғини, бешикчининг бешигини бир қаранг. Санъатку ахир! Қаерда бор бу санъат?

Шундай санъаткор хунаромандлар ичра мен ҳам борлигимдан жуда қувонаман, биродар! Мустақиллик бўлмаса, бу фахр, бу қувонч, бу ифтихор қаерда эди бизга! Истиқлол тўфайли ўзимизнинг Бадий академиясизга эга бўлдик, қанчадан қанча ҳамкасбларимиз академик бўлишди. Нақадар фахрли...

Энди сизга айтсам буюк аждодларимиз ҳам юзага чиқди. Бу йил Имом



ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғонийнинг тўйларини ўтказаялмиз. Шу муқаддас қадамжоларга ҳам қўлим текканидан шодман.

— Қайси маънода, уста?

— Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига тикланаётган ёдгорлик мажмуасида катта меҳмонхонани безаялмиз. Эҳ-ҳе, бу ердаги ишларни кўриб, лол қоласиз. Аҳмад ал-Фарғонийнинг номи билан боғлиқ ажойиб зиёратгоҳ яратилган, айна чоғда илму ҳикматнинг умри боқийлигига яна бир исбот ҳам бўлади.

1225 йиллиги нишонланадиган Имом ал-Бухорий ҳазратларининг мақбараларида ҳам шундай ишни бажарялмиз. Халқимизнинг хунаромандлари маҳорати жамулжам бўлади иккала ёдгорликда.

— Сарҳисобдан кўнглингиз тўлибди-да?

— Тўлганда қандоқ! Мустақиллигимизнинг етти йиллик тўйига тўёна билан келаялман. Мен сизга айтсам, ҳали кўп ижод қилишим керак. Шундай бинолар тиклашимиз, шундай нақшлар ишлашимиз керакки, у озод Ўзбекистонимизга мос, хос бўлсин!

Биласиз, раҳматли уста Маҳмуд Усмонов билан собиқ иттифокнинг деярли ҳамма катта шаҳарларига бориб келганмиз. Сочидан тортиб Донецккача, Киевдан тортиб Хабаровсккача — ҳамма жойда ўзбекона нақшлар, меҳмонхоналарда, ресторанларда, маъмурий биноларда «сайраб» турибди. Эндиги ниятим: Ўзбекистонимизнинг ҳамма бурчагига, ҳатто хонадонларда ҳам нақшлар сайрасин.

Биз белни маҳкам боғлаганмиз. Қўлларимиз бор экан оддий тупроқдан гул ясаймиз. — Уста қўлларига ғурур билан қараб қўйдим.

Унинг нигоҳларида келажакни кўрдим. Ана, уста Тошкентдаги улкан янги меҳмонхонани безаялти. Ана, унинг қўллари худди оҳанграбодек ганчга ёпишиб, пардоз бермоқда.

— Омон бўлсин қўлларингиз, асло толмасин билақларингиз, уста, — дедим хайрлашаётим, — эсонлик бўлса бу муъжизакор қўлларингиз истиқлолнинг қўллаб энг яхши қўшиғини яратди.

...Мен кетдим. Ўзбекистон Бадий академиясининг аъзоси. «Саидасрорасал» фирмасининг директори Саидасрорхожи Саидмухторхожиев эса Мустақиллик майдонида қолди...


Темур УБАЙДУЛЛО.

Пойтахтнинг «Тошкент» аэропорти ўнлаб хизматларни ўз ичига олган катта ва мураккаб ҳўжаликка эга бўлган йирик корхона ҳисобланади. Бу ерда турли-туман юзлаб технологик жараёнлар амалга оширилади. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, ҳаво кемаларининг ерда бажарадиган ишлари ҳам беқиёс-дир. Шу боисдан ҳаво транспортидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш борасида кўпгина сайё-ҳаракатлар қилинмоқда. Бу сайё-ҳаракатлар ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашни давом эттириш, йўловчиларга ерда ва ҳавода намунали хизмат кўрсатиш, уларнинг юкларини жойлаш ва шу каби бири-бирдан серкирра юмушлар бу ерда меҳнат қилаётган хизматчиларнинг фидойилик кўрсатиб ишлашларида ўз аксини топмоқда.

Авваллари аэропорт йўловчилардан у ёки бу юкларининг йўқлигини, шикастлангани ёки ўғирлангани хусусидаги эътирозларни олиб турар эди. Ана шундай ҳолларга барҳам бериш мақсадида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясида юкларнинг сақланишини таъминлаш бўйича асосий ташкилий-техникавий тадбирларнинг пухта режаси ишлаб чиқилди. Ана шу режа доирасида юк-багаж мажмуасини ташкил этиш кўзда тутилган эди. Бу борада мутахассисларнинг фикри ҳам бир жойдан чиқди. Ишни шу йўсинда қайта ташкил этиш пировард натижада кўзланган мақсадга олиб келиши аён эди.

Шу мақсадда бу ерда ихтисослашган юк ташувчилар бригадаси ташкил этилди. Юк-багаж мажмуаси таркибига пассажир ташуши хизматида диспетчерлик гуруҳи ҳам қўшиб берилди. Моддий бойликларнинг ўғирланмаслигига ғов қўйиш мақсадида багаж хоналарига теленазорат тизими жорий қилинди.

Багажни жўнатишга тайёрлашнинг сифатини ошириш мақсадида истиқболли контейнер усуллари жорий этдик, — дейди юк-багаж мажмуасининг бошлиғи Эдуард Мирзоян. — Бу усул юк орттириш ва тушириш механизациялаш имконини берди, материалларни сарфлашни бирмунча қисқартирди, транспорт воситаларининг иш умумдорлигини тезлаштирди. Багажни контейнерга орттириш пайтида ва уни тушириш чоғида икки томонлама назорат ўрнатилди. Бу ишга ба-



Ҳаво флоти кунига

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА




гажларни ҳаракатга келтириш бўйича бўлимининг инспекторлари жалб этилди. Бу билан юкларнинг ўғирланиш ҳолларига бутунлай барҳам берилди.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, юкларни бериш-ни соддалаштириш мақсадида «Лифтганза» ва «Туркиш ҳаво йўллари» авиакомпаниялари учун алоҳида омборхоналар жорий этдик, мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширдик. Шу кунларда юк жўнатувчидан юкларни қабул қилиб оладиган омборнинг таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Юклар учининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида божхона назоратидан ўтказиладиган бўлади. Шу мақ-

садлар учун керак бўладиган жиҳозларни Англиянинг «Астрофизикс» фирмаси ташкил этмоқда, унинг монтаж ишларини махсус техник воситалар етакчи муҳандиси Михаил Иванович раҳбарлигидаги электр-радио жиҳозлар базасининг мутахассислари олиб боришмоқда. Юкларни вақтинча божхонада сақлаш омборхонаси фақат Тошкент аэропортида ва биринчи марта Ўзбекистонда бунёд этилмоқда.

Ҳа, дарҳақиқат бугунги кунда юк-багаж мажмуасининг кассалари жойлашган хоналарни дафъатан кўрсангиз, уни танимай қоласиз. Бу ерда ҳамма нарсаси гўзал қилиб таъмирдан чиқарилган. Стендлар



қайтадан жиҳозланди, юк жўнатувчилар бу ердан ҳар қандай ахборотни — баҳо-лар тўғрисидаги, тарифлар ҳақидаги маълумотларни олиши, ҳужжатларни қандай тўлдириб намуналари билан танишиши мумкин. Илгарилари бу ишларни бажариш учун кассирни ишдан қалғитишга тўғри келар эди. Бинобарин, бу ерда кассирлар учун ҳам ажойиб иш шароитлари яратилган. Бу шароитлар жаҳон андозаларига тўғри келади.

Таъмирлашдан сўнг тижорат омбори сменачилари учун ишларни таҳлил қиладиган хона ҳам тубдан ўзгача чирой очиб кетди. Эдуард Мирзоян бу борада ҳам ташаббус ва ғам-хўрлик кўрсатиб, иккинчи қаватдаги бинолардан бирини қўлга киритди. Бу нарсаси юк ортувчилар, ҳайдовчилар ва бошқа мутахассисларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш имконини яратди.

Бу ерда ҳаво транспорт орқали жўнатиладиган юкларнинг ҳажмини ошириш тўғрисида кўп бош қотирилади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ана шундай тадбиркорлик билан иш қилиш керак. Масалалар доимо изланган ҳолда, мижозларни мамнун этадиган даражада ҳал этилмоқда. Масалан, Эдуард Мирзоян ҳозир қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари учун

махсус совутадиган омборхона қурилиши тўғрисидаги гоёларни ўйламоқда.

Бундан бир йил муқаддам «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Шаржа шаҳрида ўтказилган юкларни ташуш бўйича халқаро конференцияда биринчи бор иштирок этган эди. Ушбу анжуманда Европа, Америка, Африканинг, Марказий Осиё минтақаси ва бошқа мамлакатларнинг етакчи авиакомпаниялари иштирок этган эди. Бу конференцияда делегациянинг бошқа аъзолари қаторида Эдуард Мирзоян ҳам қатнашган эди. Ушунда авиакомпаниямизга соврин ва эс-далик ёрлиғи топширилган эди.

Ҳаво флоти кунги арафасида биз тошкентлик ҳаво флоти ходимларининг кечаю кундуз амалга ошираётган ибратли ишлари ҳақидаги ушбу лавҳамизни муҳтасар этар эканмиз, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясида ва халқаро «Тошкент» аэропорти давлат корхонасида жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилаётганлиги ва катта ўзгаришлар рўй бераётганлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда ана шу хайрли ишларга юк-багаж мажмуасининг бошлиғи — тажрибали ташаббускор ва ғайратли раҳбар Эдуард Асатуринович Мирзоян бош бўлган жамоанинг қўшаётган ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Ҳа, бу ерда қисқа муқддат мобайнида Эдуард Мирзоян бошчилигида багаж ва юкларни жойлаш бўйича, пассажирлар ва юк жўнатувчиларга хизмат кўрсатиш бўйича ишлар тубдан қайта қурилди. Бу катта ва муҳим ишнинг дебочасидир. Бинобарин, юк-багаж ташуш мажмуаси хизматининг ишлари билан қанчалик яқиндан ошно бўлсангиз, бу масъулиятли вазифаларни бажариш ишончли қўлларда эканлигига юз қарра амин бўласиз.

Хондамир СОЛИХОВ.

СУРАТЛАРДА: ўзларининг касб байрамлари — Ҳаво флоти кунини ёруғ юз билан қўлиб олаётган халқаро «Тошкент» аэропорти давлат корхонасининг юк-багаж мажмуасининг бошлиғи Эдуард Мирзоян (чапда); 27 йиллик иш тажрибасига эга бўлган тижорат омборининг диспетчери Наталья Сергеева (ўнгда); (ўртадаги суратда) омбор бошлиғи Асомидин Шомухамедов (ўнгда) ва юк қабул қилувчи Абдуҳаким Ҳасанов. (Пастдаги суратда) техник хизмат кўрсатиш диспетчерлик майдонида: диспетчер Талгат Аҳмедшин ва мажмуа бошлиғининг ёрдамчиси Рафаэль Енгуразов.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Мустақиллик эпкини юртимизга озодлик, ошқоралик, эркинлик тафаккур олиб келди. Республикаларда кўп ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари очилиб, турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш учун кенг имкониятлар яратилди. Германиянинг кўп йиллик сиёсий ҳамғармаларидан бири бўлган Фридрих Эберт жамғармаси ҳам яқинда Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлади.

Маълумки, Германияда ҳар бир йирик сиёсий партия ўз жамғармасига эга. Фридрих Эберт жамғармаси мустақил жамоатчилик ташкилоти бўлиб, Германия Социал-Демократик партиясига мансубдир. Жамғарма 1925 йилнинг 2 мартда Веймар республикаси президенти ва социал-демократлар сардори Фридрих Эберт (1871-1925) шарафига ташкил этилган бўлиб, уш пайтдаги асосий вазифаларидан бири — ишчиларнинг олий ўқув юртида тахсил олаётган иқтисодий фарзанд-

ларини стипендия билан таъминлаш эди.

Жамғарманинг Марказий Осиё минтақасидаги бугунги асосий вазифаси — анжуманлар, семинарлар ўтказиш, теледастурлар, радио, матбуотда чиқишлар ташкил этиш йўли билан Ғарб ва Шарқ ўртасида ўзаро билим ва тажриба алма-

ни ҳузуридаги Стратегик ва Минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда бошқа ташкилотлар билан узвий ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Ана шу ҳамкорлигининг самараси ўлароқ, бир қатор ишлар ва тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган йил ноябрида «ЭКОСАН» халқаро жамғарма-

Ҳамкорлик

ЎЗАРО ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТЛАР

шишга, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги бугунги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият ҳақида Ғарбда тўғри ва холисанилмо ахборот олинишига кўмаклашишдан иборатдир.

Жамғармамиз фаолиятининг устувор йўналишлари — бу экология ва иқтисодиётдир, — дейди биз билан суҳбатда Фридрих Эберт жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ноила Резяпова. — Ана шу йўналишлар бўйича халқаро экология ва саломатлик «ЭКОСАН» жамғармаси республика бўлими ва Республика Президенти Дево-

си билан биргаликда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида «Маиший чиқиндиларни тўплаш ва қайта ишлаш муаммолари», шу йил февраль ойда «Ўзбекистондаги экологик вазият» мавзуларида семинарлар ўтказилди. Бу анжуманларда маҳаллий мутахассислар билан бир қаторда германиялик экспертлар ҳам иштирок этдилар.

«Экотуризм ва буюк Ипак йўли» — «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан февраль ойда ўтказилган конференция ана шундай деб номланди. Стратегик тадқиқотлар институти билан

ҳамкорликда шу йил бошида ўтказилган семинар «Ўзбекистон-Германия: ўзаро фойдали иқтисодий манфаатлар» мавзусига бағишланди.

Жамғарма, шунингдек, «Ўзбеккино» ҳиссдорлик компанияси билан ҳамкорликда март ойда Тошкентдаги Киночилар уйида ўзбек ҳўжжати кино ва видеофильмлари фестивалини ҳам ўтказди. Ушбу фестиваль шу йил май ойда Германиянинг Штутгарт шаҳрида бўлиб ўтган «ИНПУТ» деб номланган ижтимоий-иқтисодий фольклор ва теледастурлар халқаро фестивали доирасида ташкил этилди. Фестиваль голлиблари — икки ўзбек режиссёри — Даврон Салимов («Хор» фильми учун) ва Жасур Исҳоқов («Гивандлик» фильми учун) Штутгартда ўтказилган халқаро кинофестивалда қатнашиб келдилар.

Бундан ташқари, жамғарма республика Марказий банки билан ҳамкорликда банк ва молия масалаларига бағишланган туркум анжуманлар ўтказишнинг ҳам режалаштирган. Ана шу мавзудаги дастлабки семинарлар Тошкентда июнь ва июль ойларида бўлиб ўтди. Мирзаали АҚБАРОВ.

Анжуманлар

ЎЗЛУКСИЗ ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ

Чилонзор туманидаги 336-болалар соғломлаштириш марказида халқаро «Экосан» жамғармаси туман бўлими ва туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида, маънавий баркамол, жисмоний соғлом авлоднинг тарбиялашда «Ўзлуксиз экологик таълим-тарбия» мавзусида амалий экологик семинар-кеңаш ўтказилди.

Унда тумандаги ҳамма боғча мудирлари ва ус-лубчилари, халқаро «Экосан» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими директори Ш. Иброҳимова, халқаро «Экосан» жамғармаси Чилонзор тумани бўлими директори Б. Эшқувватов, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ш. Отабоев, туман халқ таълими бўлими мудир М. Абдалимов ва бошқа-

лар сўзга чиқдилар.

Семинар-кеңаш 336-болалар боғчаси 3-катта гуруҳининг «Табиати асранг» мавзусидаги қизиқарли томошалари билан якунланди. Унда иштирок этган болаларнинг барчасига халқаро «Экосан» жамғармаси туман бўлимининг совғалари топширилди.

Турсун ЙЎЛДОШЕВ.

Халқимизда оила азалдан муқаддас саналиб келинган. Фанимиз захматкашларидан бири, таникли олима, «Соғлом авлод учун» нишонининг соҳибаси Фозила СУЛАЙМОНОВА билан суҳбатимиз ҳам айнан оила ҳақида, унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида бўлди.

— Фозила опа, сиз дунёнинг кўпгина мамлакатларида бўлгансиз, ўзга халқларнинг турмуш тарзи сизга яхши аён. Сизнингча, фарб оиласи билан ўзбек оиласи ўртасида қандай тафовут мавжуд?

— Биласизми, Европа оилаларида фарзанд ун олти ёшга етгунча ота-она унга яхши қарайди, тарбия беради, ўқитади. 16 ёшдан кейин эса бола ўзи мустақил тарзда ҳаёт кечира бошлайди. Унинг қаерда қандай яшаши, ўқиши, ишлаши фақатгина ўзига боғлиқ.

Бизнинг халқимиз эса ниҳоятда болажон. Фарзандини ёғилдир, қиздир ниҳоятда парваришлаб, тишида тишлаб катта қилади. Боласи 50 ёшга тўлса ҳам ундан қўлидан келган ёрдамни сира аямайди. Ваҳоланки, вояга етган фарзанд ота-онани таъминлаши, қўлидан келганича унга ёрдам бериши керак-ку. Болалар ҳам ҳар хил бўлишаркан. Баъзилар ота-онанинг қадрига етади, унга меҳрибончилигини қайтарди. Айримлар эса имкони борида ота-онани манфаат қўришга, уларнинг охириги пенсиясини ҳам олишга ҳаракат қилишади. Албатта, болажонлиқнинг яхши томони ҳам, нохуш томони ҳам бор. Болага бўлган меҳр масаланинг ижобий томони ҳисобланса, салбий жиҳати бола мустақил яшашга мутлақо тайёр эмаслигидир. Ҳар бир инсон вояга етган ўз тақдирини ўзи ўйлаши, ота-она олдидаги масъулияти, бурчини ҳис этиши керак. Лекин бизнинг болаларга бўлган ўта меҳрибон муносабатимиз

шу масалага жуда салбий таъсир этади.

Тўғриси айтганда европаликлар ота-онага ёрдам беришни ўйлашмайди. Бу нарсаларда йўқ. Уларда 16 ёшдан қўлидан чиқиб кетган ёғилдир-қиздир ўз ҳаёти, фаолиятини билганича ҳал этади. Ота-онанинг маслаҳат олиш мумкин, ле-

1998 — Ойла йили

АЁЛ —
ҲАЁТ
КҮРКИ

кин маслаҳатни барча европалик йигит-қиз ҳам сўрайвермайди. Ота-онани моддий ёрдам сўраш жуда уят ҳисобланади. Шуниси қизиқки, мустақил ўсган одамларнинг кўпи ўз ҳаёт йўлини бемалол топиб кетишади. Ўқийдилар, олим бўлишади ё бирон касб эгаси бўлишади, оила қурадилар. Чунки ишонадиган, суянадиган одами йўқда. Менимча инсон фақат ўзигагина ишониши керак. Бизнинг ёшлар-чи, қачон уйлан-тириб қўйишади, уй-жойни қачон тиклаб беришаркин, рўзгоримизни қачон бутлашади, деб ҳаёл суриб ўтирадилар. Демокриманки, ёшларимизнинг мустақил ҳаракат қилишга, ўз тақдирини ўзи белгилашга, ўз келажагини ўзи яратишга қай даражададир ота-оналар имкон беришмайди. Биздаги айрим ёшлар ўқишни таъминлагандан кейин ҳам ота-онанинг елкасида ўтиришади. Фикримча чет элликларнинг одатларининг ижобий томони кўпроқ.

— Оила мустаҳкамлиги сизнингча кўпроқ кимга боғлиқ?

— Биринчи навбатда аёлга боғлиқ. Аёл юмшоқ табиатли, эркак руҳиятини тушуна билиши керак. Оиладаги ақсарият муаммолар ҳам, фаровон ҳаёт, озодаллик, фарзандларни оқ юшиб, оқ тараш. Қўйингки деярли барча юмушлар ривожини асосан аёлга боғлиқ. Оналариимиз илгарилари ҳеч қачон эркакка тик қараш, кўрс муомала қилиш нималигини билишмаган. Уларнинг ўз иборалари билан айтганда «йўқни йўндиришга» интилишган. Турмушнинг дарз кетиши аёл феъл-атвори билан боғлиқ. Чунки эркакларнинг гурури кучли бўлади. Шунга эҳтиёт бўлиш керак.

Иккинчидан, ҳар бир одам ўз фарзандининг бахтли, ҳаёти мустаҳкам бўлишини истайди. Шунинг учун ҳам ҳеч қайси қайнона келин олганида ёмон ният қилмайди. Лекин кўпинча келинларда қайнонасини менсимаслик, қўполлик каби салбий хусусиятлар учрайди. Шу ҳам оиланинг бузилишига олиб келади.

— Илмда изланиш олиб бориш, ҳам оила юритиш, фарзандлар тарбияси. Сиз учун ғирлик қилмаганми?

— Ўн етти ёшимда турмушга чиқдим. Домла Ҳамид Сулаймон билан жуда аҳил эдик. У кишининг оналари — қайнона билан 43 йил бирга яшадик. 43 йил шу одамнинг кўнглини олишга ҳаракат қилган бўлсам, улар ҳам менинг ғиримни енгил қилган инсонлар. Ҳаммиша бир-биримизга кўмаклашганмиз. Оилада бирон муаммо пайдо бўлса, ҳамжиҳатликда ҳал этардик. Ҳар куни у кишининг хотираларини ёдга оламан...

Суҳбатдош
Назозат УСМОНОВА.

Одатда мусаввирнинг образи, дунёси у яратган тарихий суратларда, жанрли асарларда, натюрмортларда кўзга ташланади. Мўйқалам соҳибни ўзи севган, яхши билган нарсаларни асарлари орқали тасвирлашга, уларга муносабат билдиришга ҳаракат қилади.

Ёш мусаввир Алишер Аликулов ҳам ҳар бир сиймосига сайқал берар экан, унинг характерини ёрқин ва аниқ ифодалашга ҳаракат қилади. Али-

ларга эга эканлигини ҳаммиша ҳам ҳис қилмайди. Лекин Алишернинг жанрларида ранглар уйғунлашувини жуда ўткир ҳис эта билиш қобилиятини



БЕҲЗОД АВЛОДИНИНГ ДАВОМЧИЛАРИ



шер қадимий қадамжоларни бориб қўришни, халқ хунармандларининг ишлари билан яқиндан танишишни жуда севади. Зеро, унинг асарларида ҳам халқимизнинг бой, қадимий мероси, аъналарини ўз ифодасини тоғганини кўриш мумкин. Унинг Амир Темури даври билан боғлиқ бўлган асарлари бугунда шахримиз музей ва ташкилотларини безаб турибди. Соҳибқирон юбилейи муносабати билан ЮНЕСКОга совға қилинган «Гур Амир» рангтасвир асари ҳам Алишер Аликулов ижодининг маҳсулидир.

Ҳар бир мусаввир ўзининг оламшумул дунё қараши, ички кечинмалари ҳақида табиий кўникма-

кўриш мумкин. Рангларни танлай билиш, бу мусаввир истеъдодининг бир қирраларидан биридир. Унинг асарларида ҳам ранг танлаш, мойбўёқдан усталик билан фойдаланиш услуби яққол кўзга ташланади.

«Оққан дарё оқаверади», дейди халқимиз. Юртимиздан чиққан Беҳзод авлодлари бор экан, халқимизнинг бой маданий мероси ва маданияти сайқал топаверади.

Маъмура.РУЗИЕВА.

СУРАТЛАРДА: Алишер Аликулов ижодидан намуналар: «Самарқанд бозори», «Тўхтамишхон билан жангда».

Рашид Галиев олган суратлар.



Ниҳол

ҚУЛОҚСИЗ

Нега энди мен қулоқсиз?

Нор ўзидан сўрар эди.

Киши билмас у қулоғин

Аста ушлаб кўрар эди.

— Вой, қулоғим бор-ку, мана

Ё, бу қулоқ эмасмикин?...

— Гап қирмагач қулоқ эмас,

Дерди унга қимдир секин.

ИККИ ДАСТЁР

Уйимизда икки дастёр,

Бир-биридан ўтар чаққон.

Бири уйни нурга пурқаб,

Бири ошга олов ёққан...

Биз уларнинг хизматидан

Бир умрга розимиз.

Янги уйда гулдек яшнаб

Ўтар қишу ёзимиз.

ОҚАР СУВ

Неча-неча манзиларни

Ўтиб келар оқар сув.

Нурдек тоза, муздек салқин,

Маза, танга ёқар сув.

Бир чеккада қўллаб ётса,

Ҳеч ким унга қарамас.

Изза суви, ифлос, деган

Ном олади ярамас.

ОДАМПАРНИ СЕВАМАН

Ойимларни севаман.

Дадамларни севаман.

Улардайин меҳрибон

Одамларни севаман.

Ҳаммалари қадрдон,

Бегонаси йўқ бирон.

Чунки бизнинг Ватанда
Дустлик мангу ҳукмрон.

ОЗОДА

Озоданинг исми каби

Қилган иши.

Бир озода, ҳайрон қолар

Кўрган киши.

Чой қуяди пиёлали

Чайиб, артиб.

Унинг ҳар бир ишида ҳам

Шундай тартиб.

Нур кийгандай гард юкмаган

Кийим-боши.

Еттига ҳам етмагандир

Ҳали ёши.

ОСМОН БИР ҚАДАМ

Улуғбекнинг кўзига

Ердан осмон бир қадам.

Учапан дер самолёт —

Олиб берсалар дадам...

Юлдуздан мен юлдузга

Бир нафасда етаман.

Ойда ҳаёт бор бўлса,

Ерга хабар элтаман.

Учамиз кемаларда,

Ҳаммамиз ўйнаб-қулиб.

«Гир-гир»лайди қўлларин

Қанот қилиб, буклиб...

ҚАРАБ ГАПИР

Гапирганда ён-беринга

қараб гапир.

Оғзим бор деб сўзлайверма

Апил-тапил.

Ҳали ёшсан, катталардан

Эшит, ўрган.

Улар сендан кам билмайди,

Кўтни кўрган.

Толиб ЙЎЛДОШ.

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари давлат уюшмаси «ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС» чипта сотувчиларни ишга таклиф этади.

Ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 6-8 минг сўм. Бир йилдан ортиқ иш стажига бўлганларга ҳар ойда тариф ставкасининг 20 фоизидан 50 фоизгача миқдорда устама ҳақ тўланади. Шаҳар йўловчи транспорти чипта сотувчилари имтиёзли нафақага чиқиш, даромадлардан имтиёзли солиқ тўлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Маълумот учун телефон: 34-84-19, 34-82-33.

6- касб-хунар мактаби

1998-1999 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқувчилар қабул қилишни давом эттиради:

- Бичиқчи-тикувчи - 1-2-3 йил;
- Кенг ихтисосли сартарошлар - 1-3 йил;
- Ошпаз-қандолатчи - 1-2-3 йил;
- Маиший техника тузатиш чилангари - 3 йил;
- Кенг ихтисосли сураткашлар - 3 йил;
- Бухгалтерлик - 3 йил.

Ўқишга 8-9-11 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқишга қабул қилинганлар стипендия билан таъминланадилар. Манзилгоҳимиз: 700098 Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 1/2 дихаси, 20-уй.

Автобуслар 42, 43, 27-трамвайнинг "Мактаб" бекати, 10, 25 - троллейбусларнинг, 18-трамвайнинг, охириги "Қорақамиш 1/2" бекати.

© РИА «Тошкент-Таймс»

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таътиллари, таваллуд кунлари, туйлар, юбилейлар муносабати билан кутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан тошқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон:

133-28-95.

Факс (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТЕВУТЧИЛАР

КУЧАСИ,

32-УИ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.



ХУСУСИЙ ФИРМА ТУРЛИ ҲАЖМИДАГИ ЭЪЛОНЛАРНИ РЕКЛАМАЛАРНИ БУЮНГА БУЙИЧА ТАЙИРЛАЙДИ

Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли «Шифокор — МК» меҳмонхона мажмуаси маъмурияти ва касба уюшмаси мажмуа директорининг ўринбосари Саиднавар Саидқодирович Расуловга фарзанди САИДЖАҲОННИНГ бевекат вафоти муносабати билан кўчур таъзия изҳор қилиб, Яратгандан сабр-тоқат ато этишини тилаб қолади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕКИНВЕСТ»

экспорт-импорт миллий суғурта компанияси
ОИЛА ЙИЛИДА

хусусий ёндашув, арзон нарх, чегирма ва имтиёزلарни олиш имкониятини ўзидан муҳассам этган жисмоний шахсларнинг манфаатларини суғурталаш бўйича жаҳон андозаларига жавоб берувчи янги кенг дастурни тақдим этади.

ДАСТУРДА:

Ҳаётни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш

Сиз эҳтиёж ва имкониятигизга кўра, хусусий ёки оилавий суғурта дастури бўйича 50 000 сўмдан 5 000 000 сўмгача бўлган миқдордаги суғурта таъминотини танлашингиз мумкин.

Шахсий мулкни барча қалтисликлардан суғурталаш

Қуйидаги қалтисликлар бўйича суғурта қопламасини назарда тутаяди:

- ёнғин
- ички сантехник
- табиий офатлар
- системаларнинг бузилиши
- учинчи шахслар
- ўғирлик
- олдиданги фуқаролик масъулияти.

Автосуғурталаш

Суғурта полиси Сизга қуйидаги ҳодисалар келтирган зарарни қоплашга кафолат беради:

- йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида автомашинага етган зарар;
- ҳайдовчи ёки йўловчилар билан бахтсиз воқеа содир бўлиши;
- учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва мулкига етказилган зарарни қоплаш зарурияти.

Суғурта ҳимояси хотиржамлик кафолатидир!



Кучлилар билан бирга бўлинг!

• «Ўзбекинвест» ЭИМСК Бош офиси Тошкент ш. Ҳ. Сулаймонова кўч. 49 уй Тел.: (371) 133-05-56, 136-77-79. Факс: (3712) 40-65-38, (371) 133-07-04

• «Ўзбекинвест» ЭИМСК Бош Андеррайтерлик Агентлиги Тошкент ш. 700040, 4-Лисунов маж. 68 уй. Тел.: (3712) 94-09-09, 94-25-25. Факс: (3712) 97-78-77

Бизнинг манзилимиз:

